# Ҳеч ким тинчлигимизга таҳдид сололмайди

***Ўзбекистон раҳбарияти мамлакат мустақиллигининг биринчи йиллариданоқ терроризм халқаро миқёс касб этганлиги, унинг демократия ҳамда инсон ҳуқуқларига зид эканлиги ва унга қарши жаҳон ҳамжамияти биргаликда курашиши лозимлиги тўғрисида жаҳоннинг нуфузли минбарларидан туриб бонг уриб келди.***

Ўзбекистон экстремизмни, террорчилик ва ҳар қандай кўринишдаги диний фанатизм, ақидапарастликни қатъиян қоралайди. Шуни айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши кураш сиёсатининг моҳиятини кўплаб илғор мамлакатлар ва дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари кечроқ англашди.

Андижонда бўлиб ўтган нохуш воқеалар ҳаммани изтиробга солди. Андижонни, андижонликларни ёшлигимдан яқинроқ биламан. Тошкент шаҳрида махсус иқтидорли ёшлар мактабида бирга ўқиган синфдошларим, курсдошларим орасида андижонлик тенгдошларим кўпчилик эди. Андижонликлар меҳнаткаш, ҳалол, янгиликка интилувчанлиги билан доимо ҳамманинг ҳавасини келтириб келган.

Бу фожиали воқеалар "Акромийлар" деб ном олган диний экстремистик сиёсий бир гуруҳ пуч ваъдаларига лаққа тушган хомхаёлларнинг иши эканлигини бутун дунё аллақачон англаб етди.

Бу айрим хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатган ёлғон уйдирмалар аслида асоссиз эканлигини ҳам кўрсатиб турибди. Бутун дунёни алдаш мумкинми, ахир?! Лекин бизни мустақил бир мамлакат шаънига бундай бўҳтонларни бемалол қалаштирган "ОАВ"ларнинг асл нияти нималиги ажаблантиради. Айни шу каби саволлар ўртага ташланган Анфим Хлизовнинг "Уйдирмалар тарқатишдан мақсад нима?" номли мақоласи кўпчиликнинг диққатини тортаётгани бежиз эмас. Муаллифнинг ҳақли саволлари Андижон

**ОГОҲЛИК**

воқеаларига бўлган нохолис ёндашувлар албатта ўз изоҳини топиши айни зарурат эканлигини ҳам англатади. Бу қора туҳматлар ортидан кимларнингдир чўнтаги қаппайиши, энг хавфлиси, улар замирида халқимиз иродасига зид сиёсий манфаатлар борлигига бефарқ қараб бўлмайди.

Биз аллақачон ўзини таниган, дунё тан олган мустақил давлатмиз, элимиз улуғ тараққиёт йўлида эканини чуқур ҳис қилади. Бугун юртимизнинг қайси вилоятида, қайси тумани ёки шаҳрида бўлманг, фақат бунёдкорликка кўзингиз тушади. Бу бунёдкорлик ишлари халқимизнинг эзгу ниятини ҳам ифодалайди.

Биргина мисол, қишлоқ хўжалигида эски бюрократик услубга асосланган колхозлар, совхозлар ўрнида бугун хусусий мулкка асосланган фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Меҳнаткаш деҳқоннинг ерга бўлган эгалик ҳисси, меҳнати қадрланмоқда. Қаерга борманг, янги завод, фабрикалар қад ростлаётир. Замонавий андозадаги умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари бунёд этиляпти. Буларнинг замирида келажак ўйи, фарзандларимизнинг эртанги истиқболи мужассам эканини англаш қийин эмас. Нега ана шундай ибратли ишларни дин ниқоби остидаги юртфурушлар кўзини каттароқ очиб кўрмайди, мулоҳаза юритмайди?

Сохта ғоялар ортидан эргашиб қолганларга нисбатан ҳукуматимиз томонидан бағрикенглик кўрсатилиб, уларнинг билиб-билмай йўл қўйган хатолари кечирилмоқда. Қайси замонда кўргансиз, қайси тарихда ёзилганки, Юртбоши шунчалик мурувват кўрсатганлигини? Адашганларнинг ўз оиласи бағрига қайтиб келишини, ота-оналари, қону-қариндошлари, жажжи ўғил-қизларининг кўз ёшларини кўриб, эзилиб кетасан киши.

Адашиб, ёлғон сафсаталарга алданган тенгдошларга, ёшларга айтадиган сўзимиз шу: келинг, шу юрт учун, шу Ватан учун фақат эзгулик ишларини қилайлик, токи, келажакда ота-онамиз, аждодларимиз, қолаверса, фарзандларимиз биздан фахрланиб юришсин.

**Л.АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.**

# Эгали юрт эркини бермас

***Халқимизнинг ушбу нақли шу йил 13 май куни юз берган Андижон воқеалари пайтида Президентимизнинг тўғри ва ҳал қилувчи қарор қабул қилишида, ҳарбий фарзандларимизнинг Ватанга садоқатида ва юртдошларимизнинг якдиллигида тўла акс этди.***

Дарҳақиқат, бир гуруҳ ёвузлар олдига халқимиз, унинг ишончли Юртбошиси рўпара келиб, уларга бу юртнинг эгаси борлигини билдириб қўйди. Бугун ўша ёвузлар қаторига билиб-билмай қўшилиб қолганлар тавбага келиб халқимиздан, Президентимиздан кечирим сўраб, жазодан омон қолмоқда, жамият ва оилалари олдида пушаймонлигини билдириб, маҳалладошлари тарбиясига, назоратига ўтишмоқда.

"Қишлоқ ҳаёти"нинг 10 июн сонида босилган А.Хлизовнинг "Уйдирмалар тарқатишдан мақсад нима" сарлавҳали мактубида ғоят ҳаққоний саволлар ўртага ташланган. Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг ривожланишини, келажакка дадил ва ишончли қадам ташлаётганини кўролмаётган баъзи ғаразли кимсалар Андижон воқеаларини кўр-кўрона бузиб талқин қилаётганини халқимиз тушуниб етмоқда.

Демократия тўғрисида ёлғон гаплар билан адашган одамларни чалғитиш Андижонда юз берган воқеаларда кузатилди. Тўғри, жамиятнинг бой тарихи демократия турмушни бошқаришда меъёр эканлигини кўрсатади. Аждодларимизнинг адолатни туғ қилиб кўтаргани, шунинг учун ҳам эл оғаларининг эъзозланиши, юрт аҳамиятига молик масалаларнинг ҳамжиҳатликда, бирга ҳал қилиб келинганлиги ҳам демократиянинг кўринишлари эмасми?!

Бўлиб ўтган бу воқеалар аввалдан пухта ўйланганини, "Хизб-ут таҳрир" деб аталмиш реакцион оқимнинг йўналиши билан амалга оширилгани, шу оқим вакиллари раҳбарлигида қилингани кундай аён бўлди. "Ким биз билан бирга бўлмаса, у бизга қарши" каби ғоялар билан инсон тафаккурини, фикрлаш эркинлигини чеклаши ҳам бу оқимнинг қандайлигини кўрсатиб турибди.

Андижонда тинч турмушга раҳна солишга, баъзи бировларни қўрқитиб, алдаб майдонга чиқаришга, Конституцион тизимни қулатишга уринган кимсаларнинг ўз вақтида тўхтатилгани қонуний иш бўлди.

Андижон воқеалари муносабати билан Юртбошимизнинг Ўзбекистон ҳеч кимга қарам бўлмайди, деган қатъий сўзлари юртимизни ҳеч ким ташқаридан келиб эгаллай олмаслигини, у ҳеч кимга оёқ ости бўлмаслигини белгилаб берди. Бу сўзлар элнинг эгаси борлигини, унда донишманд, меҳнаткаш халқ яшаётганлигини ҳамда бу халқни ўзининг ёркин йўлидан ҳеч қайтариб бўлмаслигини доимо англатиб туради.

**Жуманазар БОЗОРБОЕВ,**
**академик.**
Қорақалпоғистон Республикаси.

# Муддаоси нима ўзи?..

***Инсон зоти эзгулик учун туғилади. Бу нафақат унинг эзгу ишларида, балки тўғрисўзлигида, воқеа-ҳодисага холисона қарашида ҳам билинар экан.***

Буни баъзи хорижий оммавий ахборот воситаларида Андижон воқеалари қандай талқин қилингани, бировнинг кулфатидан ҳам ўз манфаати йўлида фойдаланишга уринишлар бўлганлиги англатиб турибди. Уларнинг дунё афкор оммасини чалғитишга нега бунчалик зўр беришгани кишини ўйлантиради, шу билан бирга ҳушёр торттиради.

Истардимки, мутахассислар, сиёсатшунослар бундай асоссиз маълумотларни тарқатишдан нима мақсадлар кўзланаётганини кенгроқ таҳлил қилиб, тушунтириб боришса, Андижон воқеаларининг туб илдизлари ҳар томонлама янада ошкор бўлаверади. Ахир демократия дегани бутун бир мамлакатга ҳеч тап торт-масдан туҳмат ёғдиравериш мумкин дегани эмас-ку!

Озод Ўзбекистонимизда эса ҳар қандай нохушликнинг олдини олиш ҳар биримизнинг ўз қўлимизда. Адашган ёшларни тўғри йўлга солиш, ўзи ва халқимиз яшаётган шу заминни қадрлашга ўргатиш, фарзандларимизни адашиш-алданишдан эҳтиёт қилишимиз зарур. Эзгулик иши бахтга йўл очади. Ҳалол, софдил, садоқатли, юртнинг қувончу ташвишларига шерик одамларгина доимо ҳаётни безайдилар.

**Хўрозбой ЭРАЛИЕВ,**
**Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицей директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.**

***Кексайиш ҳам бахт. Улуғ ёшга етиб, қарилик гаштини суришни ҳам толе санаймиз. Инсон умр йўлининг мана шу манзилига интилиб яшайди. Яна шуниси борки, у айни мана шу манзилда фарзандлар мадади билан бирга ижтимоий кўмакка ҳам ҳар қачонгидан кўпроқ эҳтиёж сезади.***

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ:

# Кафолатдан чўчимаслик керак

Олий Мажлиснинг Иккинчи чақириқ XVI сессиясида қабул қилинган "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни асосида юртимизда фуқароларнинг кексайган чоғларида озми-кўпми жамғарилган маблағнинг эгасига айланиши, фақат давлат томонидан бериладиган нафақага қараб қолмаслик имкониятининг вужудга келиши мазкур эҳтиёжга ҳозиржавоблик бўлди.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг афзалликларини англаб етган фуқароларимиз қонун билан белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланишга киришганлар. Лекин ушбу таъминотни йўлга қўйишда жойларда айрим муаммоларга дуч келинаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Сирдарё вилоятида жорий йил май ойига қадар бажарилган ва ташкил этилган ишлар самараси ўлароқ жами 11,132 та корхона ва ташкилотларда ишловчи 138,686 нафар ходимлардан 109,182 нафарига халқ банкларидан ҳисоб рақамлари очилиб, 1 фоизлик жамғариб бориладиган пенсия тўлови учун ойма-ой маблағлар ўтказиб борилмоқда. Бироқ, вилоятда мавжуд 7602 та фермер хўжаликларидан айримларининг раҳбарлари иш берувчи сифатида ишчиларга доир анкета-сўровномаларни топширишга, уларга пенсия дафтарчаси очишда кўмаклашишга унчалик ҳам рағбат сезмаяптилар. Ана шу фермерлар билан суҳбатлашсангиз, "Менда доимий ишловчи йўқ. Ҳисобчи ҳам, бошлиқ ҳам ўзим... Мавсумий ишчиларга ўз ёнимдан нақд пул бераман", - каби важларни келтирадилар. Ваҳоланки, улар туман статис-тика бўлимига ва соликқа 7-8 тадан аъзо номини ёзиб кўрсатишади (Шундай қилишмаса, ҳисоботлари ўтмайди-да).

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

Албатта, бу ҳол олдида қўлни қовуштириб ўтириб бўлмайди. Жойларда ана шундай фермерларга анкета-сўровномалар сонидан чўчимаслик кераклиги, чунки эртага пенсия жамғармасига ишловчилар иш ҳақининг солиғи ҳисобидан маълум фоиз олиниши, ишламаган киши учун фермердан биров ҳақ талаб қилмаслиги тушунтирилаяпти. Шунингдек, кўпгина хўжаликларда меҳнат муносабатларининг тўлиқ шаклланмаганлиги жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонуннинг ижросига ҳалал бераётгани инобатга олиниб, бошқармамиз томонидан муайян таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда китобча шаклида фермер хўжаликларига тарқатилди.

Умуман, фуқароларимиз шунга амин бўлмоқликлари лозимки, жамғариб бориладиган пенсия уларнинг шахсий мулки ҳисобланади. Ҳатто фуқаро вафот этган тақдирда ҳам ҳисоб рақамида мавжуд маблағ фарзандларига мерос бўлиб қолади. Бир сўз билан айтганда, пенсия жамғармаси ҳар биримизнинг келажагимиз замини, кексайган паллада таъминотимиз тўкислиги учун кафолатдир. Эртасини ўйлаган киши бу кафолатдан чўчимайди.

**Абдурашид АБДУЛЛАЕВ,**
**Сирдарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи.**

# Кўмир қазиб чиқариш кўпаймоқда



Ҳисор тоғ тизмалари бағрида жойлашган Шарғун кўмир кони меҳнат жамоаси жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида 13038 тонна кўмир қазиб олишга муваффақ бўлди. Ёки 301 миллион сўмлик хом ашё буюртмачиларга етказиб берилди.

Айни кунда "Шарғун кўмир" ОАЖ корхонасида 714 нафар киши меҳнат қилмоқда. Улар йил охиригача 100 минг тонна кўмир қазиб олиш ниятида меҳнат қилмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: қадоқлаш фабрикаси машинисти Тоғаймурод Сафаров ва таъмирловчи уста Истамбой Норов.

**Сафарали ЭШМИРЗАЕВ олган суратлар.**



# Фойда элники

(Боши 1-бетда)

суғорма деҳқончилик ҳамда суғориладиган экин майдонлари чекланганлиги шароитида мулкчиликнинг ижара шакллари ва шартномавий муносабатларга асосланган хўжалик юритиш тизимини ривожлантириш;

қишлоқда асосий ишлаб чиқариш бўғини ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини пухта таъминлашга қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, молия-банк муассасалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини ушбу мақсадга бўйсундириш;

хўжалик юритишнинг ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкилий-ҳуқуқий шаклларини сақлаб қолиш, истиқболда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилаш.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида кўп укладли фаолият шакллари яратилиб, уларнинг асосини қишлоқ хўжалиги ширкатлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этмоқда. Бу эса ўз навбатида тармоқда эркин рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Охирги йилларда республикамизда бозор шароитига тез мослаша оладиган самарали ва ҳақиқий мулкдорга айланган фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. 2004 йилда "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши ҳамда 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясининг ҳаётга татбиқ қилиниши фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Концепцияга мувофиқ фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши қуйидаги принципиал қоидалардан келиб чиқиб амалга оширилади:

фермер хўжаликлари, қоидага кўра, тугатилаётган зарар кўриб ишловчи паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари негизида ташкил этилади;

фермер хўжаликлари юридик шахс сифатида, асосан хусусий корхона шаклида ташкил қилинади;

ер участкалари фермерларга танлов асосида ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан узоқ муддатли (эллик йилгача) ижарага берилади. Бунда фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонларининг энг кам ўлчами бўйича мавжуд чеклашлар сақлаб қолинади;

фермер хўжаликларига берилган ер участкалари ширкат хўжаликлари балансидан чиқарилади;

фермер хўжаликларини шакллантириш учун ерларни ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган алоҳида Низом билан белгиланади;

фермер хўжалигига берилган ер участкалари хусусийлаштирилиши, олди-сотди, ҳадя, айрибошлаш, гаровга қўйиш объекти бўлиши, шунингдек, қўшимча ижарага берилиши мумкин эмас;

фермер хўжалиги ер участкасидан ижара шартномасида белгиланган мақсад ва шартларга мувофиқ мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаши шарт. Фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалик майдонларидан бошқа мақсадда фойдаланиш, шунингдек, шартномада кўрсатилган экинлар ўрнига бошқа экин экиш - ижара шартномасини қўпол бузиш деб ҳисобланади ҳамда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган барча чоралар қўлланилади;

етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб беришга ҳамда моддий-техника ресурслари ва хизматлар олишга шартномалар фақат фермер хўжаликларининг ўзлари томонидан тайёрлов, қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар билан тўғридан-тўғри тузилади;

қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан, пахта ва ғаллани етиштиришга кетадиган барча харажатлар фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қопланади;

фермер хўжаликлари электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар етказиб берадиган ва фермер хўжаликларига бошқа хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари шарт;

фермерлар билан ёлланма ходимлар, шу жумладан, оила аъзолари ўртасидаги меҳнат муносабатлари амалдаги меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ёллаш шартномаларига асосланади;

фермер хўжаликлари ихтиёрийлик асосида кооперациялашиш, маҳсулот етиштириш, харид қилиш, қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимёвий, маслаҳат ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш турлари бўйича жамиятлар, уюшмалар ва бошқа бирлашмаларга кириш ҳуқуқига эгадирлар.

Қишлоқда кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида ташкил этилган фермер хўжаликларининг сони 2005 йил 1 январ ҳолатига 103,9 мингтага етди ва 2004 йил 1 январ ҳолатига нисбатан 16 мингтага ортди. Фермер хўжаликларига ажратиб берилган ерлар эса ушбу давр оралиғида 137 фоизга ошди.

Қишлоқ хўжалиги давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишларидан бири ушбу соҳага хизмат қилувчи инфратузилма институтлари тизимини ривожлантиришдир. Бугунги кунда ушбу тизим деярли шаклланиб, ихтисослаштирилган тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, лизинг компаниялари, жамғармалар ва бошқа инфратузилма ташкилотларини ўзида мужассам этади. Лекин, мавжуд инфратузилма қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни тўла ривожлантириш учун етарли эмас. Юртбошимиз Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаларида таъкидладиларки, фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантириш жараёнини тезлаштириш зарур. Фермерларга бўлғуси ҳосил ҳисобидан имтиёзли ставкалар асосида кредитлар беришга ўтишни таъминлаш керак.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлашда уларни солиққа тортиш тизими ҳам алоҳида ўрин тутади. Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналари ривожланиши учун солиққа тортиш соҳасида қулай шароитлар яратилган, кенг имтиёзлар тизими берилган ҳамда соддалаштирилган солиққа тортиш тизими киритилган.

Ер солиғи иқтисодий моҳияти жиҳатидан ресурс солиқлари жумласига киради. Қишлоқ хўжалигини солиққа тортишда айнан шу солиқ деҳқон ва фермерларни ердан самарали ва рационал фойдаланишга ундаши лозим. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятларига салбий таъсир этмаслиги керак. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида ер солиғи бўйича имтиёзлар берилган. Жумладан,

-янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга;

-қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларининг ўрмонлар ва ихотазорлар, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш объектлари, шунингдек, спорт иншоотлари эгаллаган ерлари;

-деҳқон хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга солиқ тўлашдан озод этилади.

1999 йилда киритилган қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ягона ер солиғи ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги фаолиятидан олинган даромадни тақсимловчи солиқлардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда ягона ер солиғининг Давлат бюджети даромадлари шакллантиришда ҳиссаси катта бўлмаса-да, аммо унинг муҳим томони шундаки, у мамлакатдаги моддий ресурслардан (ердан) рационал фойдаланишни таъминлашда эгилувчан инструмент бўлиши мумкин. Шу билан бирга, ягона ер солиғи бир қатор умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ўрнини босади ва шунинг учун нафақат ресурс солиқлар хусусиятлари характерлидир.

Бугунги кунда бир туманнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари бир хил сифатдаги ерлар учун бу ерлардан олинаётган даромаддан қатъий назар ягона ставкалар бўйича ягона ер солиғини тўлайдилар. Шундай қилиб, туман бўйича ягона ер солиғи ставкалари солиқ солинадиган қишлоқ хўжалиги ер майдонлари, ер участкаларининг жойлашиши, тупроқ бонитети ва ер мулкининг бошқа тавсифлари ер кадастри маълумотлари бўйича қабул қилинади. Агар ҳар хил хўжаликларда ер сифати бир хил бўлса, улар олаётган даромаддан қатъий назар солиқни ягона ставкалар бўйича тўлашади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 31 декабр 2004 йилдаги 567-сонли қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари учун Самарқанд ва Тошкент вилоятларида тажриба сифатида ягона ер солиғини ерларнинг меъёрий қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблашнинг тартиби киритилди.

Шундай қилиб, ягона ер солиғининг ҳисоблаш методологиясини қайта кўриб чиқишдан мақсад солиқнинг адолат тамойилини таъминлашдан иборатдир, яъни кадастр усулида ҳисоблаш солиқнинг қатъий белгиланган ҳажми қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳар хил миқдорий кўрсаткичларига боғлиқ бўлган бўлса, ернинг меъёрий қиймати усули бўйича ҳисобланган солиқ ҳажми белгиланган ерда қайси қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилаётганлигига боғлиқ қилиб белгиланди.

Бундан ташқари, ер солиғи ва ягона ер солиғидан қонун ҳужжатларида белгиланган фоизларда ажратмалар Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиб боради. Ушбу ажратмалардан йиғилган маблағлар Жамғарма томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларини кредитлаш учун йўналтирилади. 2004 йилда Жамғарма томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига 506,03 сўмдан ортиқ кредитлар берилди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтишимиз мумкинки, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг ривожланишига, қишлоқ меҳнаткашларининг даромадлари ошишига ва ўз навбатида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси юксалишига хизмат қилади.

**Дилшод МУСАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари.**



# Ўрим авжига чиқмоқда

***Тезкор маълумотларга қараганда, республикамиз ғалла майдонларидан бугунгача олинган ялпи ҳосил миқдори 461,6 минг тоннадан ошиб кетди.***

Мавсумга жалб этилган 3526 та ўрим комбайнларининг 1499 таси кучидан фойдаланилиб, ҳозирга қадар 108,3 минг гектардаги ғаллазор саранжомланди. Ҳар бир комбайн билан кунига ўртача 9,2 гектар ердаги дон йиғиб олинмоқда. Сурхондарёлик деҳқонлар мавсум бошлангандан буён 24,6 минг гектардаги ғалла майдонини ўриб олишди. Уларнинг ҳозиргача олган ялпи ҳосил миқдори 112,6 минг тоннани ташкил этмоқда. Фарғона вилоятида ҳам бу иш авж палласига чиқмоқда. Фарғоналикларнинг шу кунгача уйган ғалла хирмони 77,9 минг тоннадан ошди. Бухоро далаларидан айни пайтгача 36,6 минг тонна сара дон йиғиб олинди. Сирдарё, Андижон, Қашқадарё вилоятларида ҳам иш суръати юқори. Ғалла ўрим-йиғим ишларига қолган вилоятларда ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

# Электр энергиясига муносабат шуми?!

(Боши 1-бетда)

"Ўзбекэнерго" ДАКнинг электр тармоқлари корхоналари ходимлари ва "Ўздавэнергоназорат" инспекциясининг мутахассислари ҳамкорликда ушбу қарорларнинг ижроси жойларда қандай амалга оширилаётганлигини аниқлаш мақсадида рейдлар ўтказишди.

Рейдлар давомида маълум бўлдики, жойларда истеъмолчилар электр энергиясидан ўғринча фойдаланиш, ускуналарни тармоққа рухсатсиз улаб олиш, муддати ўтган дебитор қарздорлиги бўла туриб электр энергиясидан фойдаланиш ва яна бир қатор қоидабузарликларга йўл қўйиб келишган. Масалан, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги фойдаланган электр энергия учун 141,4 миллион сўм, "С.Бойматов" ширкат хўжалиги 735,5 миллион сўм, "Қумқўрғон" ширкат хўжалиги 487,1 миллион сўм, Шўрчи туманидаги "Далварзин" ширкат хўжалиги 30,6 миллион сўм, "Т.Бердиев" ширкат хўжалиги 38,7 миллион сўм, "Ободон" ширкат хўжалиги 55,1 миллион сўм, Шеробод туманидаги "У.Туропов" ширкат хўжалиги 54,2 миллион сўм, "Кўхитонг" ширкат хўжалиги 27,2 миллион сўм муддати ўтган қарздорлиги бўлишига қарамай ҳамон электр энергиядан фойдаланиб келмоқдалар.

Шунингдек, Шеробод туман халқ таълими бўлимига қарашли 13 та мактаб, туман сувоқава корхонасида электр ҳисоблагичлари бўлмаган ҳолда электр энергиясидан фойдаланилган.

Вилоятнинг Узун туманида яшовчи тадбиркор Н.Мусаев хусусий тегирмонида қуввати 12,2 кВт бўлган, тадбиркор Қиличев эса ўз тегирмонида қуввати 12,9 кВт бўлган электр ускуналарни электр ҳисоблагичдан ташқари улаб олиб, ўғирликка қўл уришган.

Шеробод туманидаги тадбиркор Н.Ғаффоров ўзининг ёғоч тилиш цехидаги қуввати 7,5 кВт бўлган электр ускуналари, туман Ватанпарвар корхонасига қарашли авто-ўқув мактабнинг қуввати 5,9 кВт бўлган, Э.Бердиев номли муқобил МТПнинг 45,5 кВт ҳамда Шер-обод ирригация тизими бўлимида қуввати 12 кВт бўлган иситиш қозонини ҳеч қандай расмий рухсатсиз ўзбошимчалик билан электр тармоққа улаб олиб, электр энергиядан текинга фойдаланиб келишган.

Худди шунингдек, "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси ходимлари шу йилнинг апрел ойида Самарқанд электр тармоқлари корхонасига қарашли Челак ва Гўзалкент туман электр тармоқларида ўтказилган мониторингларда ҳукуматимизнинг 2005 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори талаблари тўла бажарилмаётганини аниқлашди. Масалан, Гўзалкент туман электр тармоқларида 9 та истеъмолчининг 55 та объектида, Челак туман электр тармоқларида 18 та истеъмолчининг 58 та объектида ҳисоблагичлар ўрнатилмаган бўлишига қарамасдан, мазкур объектлар электр тармоғидан узиб қўйилмаган.

Бундан ташқари, Гўзалкент туман электр тармоқларида 53 та истеъмолчининг 197,1 миллион сўм, Челак туман электр тармоқларида 69 та истеъмолчининг 131,4 миллион сўм, саноат гуруҳига кирувчи 106 та истеъмолчининг 3946,5 миллион сўм дебитор қарздорлиги бўлишига қарамасдан, Гўзалкент ТЭТда 5 та, Челак ТЭТда 12 та, саноат гуруҳида 6 та истеъмолчилар электр тармоқдан узилмаган.

Ушбу туман электр тармоқларига қарашли "Толма", "Янгиработ", "Хўжа-обод" фермер хўжаликлари, Зарафшон магирстрал тизими бошқармаси, Темурбек буюм бозори савдо комплекси, "Сино" ОХЖ каби электр энергия учун олдиндан 30 фоизлик тўловларни амалга оширмаган истеъмолчиларга электр энергия бериш тўхтатилмаган. Нега?

Бундай салбий ҳолатларга йўл қўйилишига электр тармоқлари корхонаси мутасадди ходимларининг Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларини амалга ошириш юзасидан етарли даражада иш олиб бормаганликлари ҳамда ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндошганликларини асосий сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Яъни, истеъмолчилар томонидан электр энергияси учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли маълум миқдорда дебитор қарздорлик юзага келган. Бунинг оқибатида эса энерго таъминот ташкилотлари ўз электр ускуналарини таъмирлаш, эскирган ва яроқсиз жиҳозларни янгисига алмаштириш ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш имконидан маҳрум бўлмоқдалар. Бу эса ўз навбатида туман электр тармоқларидан электр ускуналарни айрим ҳолларда бир маромда ишлаш имконини бермай, истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашда узилишларга сабаб бўлмоқда.

Демакки, истеъмолчиларнинг "нега чироқ ўчади?" дея сўрашларидан олдин муаммо моҳиятини англаб етсалар, яхши бўлар эди. Биз фақат айрим туманлардаги ҳолатлар бўйича мисоллар келтирдик, холос. Ваҳоланки, электр тармоқларига ускуналарни ўзбошимчалик билан улаб олиб фойдаланаётган, электр энергиясини ўғирлаётганлар ҳамда электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўламаётганлар ҳар бир туманда, қишлоқда ва маҳаллада топилади. Наҳот, лоқайдлигимиз етмагандек шунчалар бепарвомиз? Кўз ўнгимизда айрим кимсалар халқнинг кўзига чўп суқиб, бойлик орттиришмоқчи бўлишса-ю, биз томошабин бўлиб турсак. Уларнинг қинғир ишларини касри ўзимизга тегмайдими? Ҳар бир ҳолатда тартиббузарни тартибга чақириш ёки тегишли ташкилотга хабар қилиш ўзимиз маҳалла-кўйнинг бурчи эмасми? Шу ўринда айрим учарларга ҳам айтадиган гапимиз бор: "Чироғи ёқадию, тўлови чақадими?"

**Баҳодир ҚОДИРОВ,**
**"Ўздавэнергоназорат" инспекцияси етакчи мутахассиси.**

МУКА 1 сорт 202,3 ▼ - 0,1 | МУКА 2 сорт 182,2 ▼ - 0,06 | ШРОТ 63,9 ▲ + 1,0 | ШЕЛУХА 26,3 ▲ + 2, | ПОЛИЭТИЛЕН I-0754 840,0 ▼ - 5,0 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 840,0 ▼ - 0,3 | ПОЛИЭТИЛЕН I -1561 840,0 ▼ - 0,8 | АММОФОС244,8 ▼ - 0,1

